

Истифорга шошилалик!



19:00 / 05.07.2022 3247

Истиффор арабча сўз бўлиб, она тилимизга таржима қилганда "Аллоҳдан гуноҳларни кечирिशини сўраш" деган маънони билдиради. Астаффируллоҳ дегани "Аллоҳдан гуноҳларимни кечирिशини сўрайман" деганидир. Истиффор айтаман деганимизда "Аллоҳдан гуноҳларимни кечирिशини сўрайман" деб айтаётган бўламиз.

Қилган ҳар бир гуноҳим учун Буюк Аллоҳга истиффор айтаман!

Тарк этган ҳар бир фарзим учун Буюк Аллоҳга истиффор айтаман!

Инсонларга қилган ҳар бир зулмим учун Буюк Аллоҳга истиффор айтаман!

Қолдирган ҳар бир солиҳ амалим учун Буюк Аллоҳга истиффор айтаман!

Золимлар билан бўлган ҳар бир шерикчилигим учун Буюк Аллоҳга истиғфор айтаман!

Кейинга сурган ҳар бир яхшилигим учун Буюк Аллоҳга истиғфор айтаман!

Омонатдорни алдаб қилган ҳар бир ишим учун Буюк Аллоҳга истиғфор айтаман!

Ҳар бир хилоф қилган ваъдам учун Буюк Аллоҳга истиғфор айтаман!

Ҳар бир риоя қилмаган аҳдим учун Буюк Аллоҳга истиғфор айтаман!

Ҳар бир хорлаган инсоним учун Буюк Аллоҳга истиғфор айтаман!

Сўралганда айтмай яширган илмим учун Буюк Аллоҳга истиғфор айтаман!

Ҳар бир зое қилган вақтим учун Буюк Аллоҳга истиғфор айтаман!

Ота-онамга айтган ҳар бир қўпол сўзим учун Буюк Аллоҳга истиғфор айтаман!

Фарзандларим тарбиясидаги ҳар бир эътиборсизлигим учун Буюк Аллоҳга истиғфор айтаман!

Ҳар сафар гуноҳ ишни кўрганда, гуноҳ сўзни эшитганда қўлим ёки тилим билан қайтара олмаганим учун Буюк Аллоҳга истиғфор айтаман!

Эй Роббим! Эй Ғофир! Эй Ғофуур! Эй Ғаффор! Ҳар бир вафот этган ва яшаб турган мусулмон бандангинг гуноҳларини кечиргин!

Барчамизни насух тавба, чин истиғфор билан ризқлантиргин!

Омин!

Нозимжон Ҳошимжон